



# ТЕМИР YO'LCHI

Temir yo'llar mamlakatimiz iqtisodiyoti-ning qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan



O'ZBEKISTON TEMIRYO'LCHILARINING GAZETASI 2023-yil • 26-oktyabr • payshanba • № 42 (6469)

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йил учун давлат бюджетининг асосий йўналишлари ҳамда тармоқ ва ҳудудларда амалга оширилаётган вазифалар муҳомаи юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

## 2024 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Давлат бюджети даромадларини кўпайтириш, харажатларини оптималлаштириш бўйича ҳар бир соҳа, тармоқ ва ҳудудлар кесимида мавжуд захира ва имкониятлар атрофлича таҳлил қилинди.

Аввало, йирик sanoat тармоқларида харажатни қисқартириш орқали таннархни камайтириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Масалан, жорий йилнинг биргина тўртинчи чорагида 349 та йирик sanoat корхонасида 2,1 триллион сўм харажатларни камайтириш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинган. Бу ишларни тизимли равишда амалга ошириш учун ҳукуматга келгуси йилда йирик тармоқларда таннархни 15-20 фоиз камайтириш бўйича дастур ишлаб чиқиш топширилди.

Ҳудудларнинг даромад базасини кенгайтириш масаласига тўхталиб ўтилди. Жумладан, паст қувватда ишлаётган корхоналарга қўмак бериб, уларни тўлиқ қувватга чиқариш чоралари белгиланди. Тадбиркорликни ривожлантириб, солиқ базасини кенгайтириш, афзалликлар бериш орқали "аширин иқтисодиёт"ни қисқартириш муҳимлиги айтилди.

Қишлоқ хўжалигида "катта сакраш"га фақат илм орқали эришиш мумкинлиги таъкидланди. Бу борада ер сифати, нав ва агротехнологияга замонавий илмий ютуқларни кенг татбиқ этиш орқали бир гектарда пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга, ғаллада 100 центнерга етказиш вазифаси қўйилди.

Минтақамизда сув муаммоси кун сайин долзарб бўлиб бормоқда. Сўнгги икки йилда сув хўжалигига бюджетдан 22 триллион сўм, жумладан, сув тежовчи технологияларга қарийб 1 триллион сўм субсидия ажратилган.

Шу боис келгуси йилларда суғориш каналларини бетонлаш, сув тежовчи технологиялар ўрнатиш ишларига ажратилаётган маблағ кўпайтириб борилади. Жумладан, келгуси йилда марказлашган инвестиция ҳисобидан 1,7 триллион сўмлик ва халқаро молия ташкилотларидан 300 миллион долларлик сув инфратузилмаси лойиҳалари амалга оширилади. Давлатимиз раҳбари бу масалага кенгроқ тўхталиб, суғориш каналларини бетонлаш бўйича уч йиллик дастур қабул қилинишини таъкидлади.

Яқинда қабул қилинган "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш устувор вазифа этиб белгиланган. Шу боис 2024 йил учун давлат бюджети лойиҳасида бу соҳаларга катта эътибор қаратилган.

Хусусан, келгуси йил инсон капиталини ривожлантириш учун 102,5 триллион сўм йўналтириш мўлжалланмоқда. Бу жорий йилгига нисбатан 15 фоиз кўп.

Масалан, дастлабки лойиҳада 317 та мактаб қурилиши ва реконструкция қилиниши режалаштирилган эди. Президентимиз бу масаланинг муҳимлигини ва жойлардаги талабни инобатга олиб, яна 150 та мактаб қурилишига маблағ ажратишни таклиф қилди.

Мактабгача таълим, профессионал ва олий таълим тизими учун назарда тутилган маблағларни ҳам кўпайтириш бўйича фикр билдирилди.

Шу билан бирга, ушбу маблағлардан оқилона фойдаланиш, ажратилаётган маблағларнинг натижадорлигини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Келгуси йилдан "Маҳалла бюджети" тизими тўлиқ жорий қилинади. Бу – ҳар бир маҳалланинг 100 миллион сўмгача маблағи бўлади, дегани.

Давлатимиз раҳбари бу маблағларни маҳаллада иш ўрни яратадиган, аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга йўналтириш зарурлигини таъкидлади. Ушбу янги тизим бўйича маҳалла раисларини ўқитиш, маблағларнинг ҳисобини юритиш ва назорат қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга, бюджет интизомини кучайтириш бўйича қонунчилик таклифлар киритиш зарурлиги айтилди. Бу борада бюджет маблағлари ҳисобидан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга йўл қўймаслик, очик-ошкора танлов ва тендерлар ўтказиш амалиёти-ни кенгайтириш қатъий кўрсатиб ўтилди.

Тармоқ, соҳа ва ҳудудларга келгуси йил 32 миллиард доллар инвестиция жалб этиш, экспортни 19 миллиард долларга етказиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Йиғилишда билдирилган фикрлар асосида 2024 йил учун бюджет лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилади.

Кун тартибидagi иккинчи масала ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид бўлди. Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилояти мисолида йил якунигача бўлган ишларни максимал даражада бажариш, келгуси режаларни белгилашда аҳоли талаби ва муаммодан келиб чиқиш йўлини кўрсатиб берди. Бунда ҳокимликлар билан вазирилар тенгма-тенг масъул экани, ўзаро мувофиқ ишлаб, соҳа ва жойлардаги масалаларни ҳал этиш зарурлиги таъкидланди.

Prezident.uz

## ТЕМИР ЙЎЛ ҲУДУДЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИДА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

2023 йил кузининг иккинчи ойи ҳам охирлаб, ҳадемай, ҳаво ҳарорати пасайиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай ноқулай об-ҳаво шароитида юк ва йўловчиларни манзилга хавфсиз, ишончли ва тезкор етказиш учун тизимнинг барча бўғинларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар жадаллаштирилмоқда.

Бу борада "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти раҳбарияти ҳамда минтақавий темир йўл узеллари мутахассислари иштирокида темир йўл тизимининг барча ҳудудларида, участка линиялари ҳамда корхоналарда 2023-2024 йилги куз-қиш мавсумига кўрилган таратуд кўздан кечирилмоқда. Ижтимоий соҳа объектлари, таълим ва тиббиёт муассасаларини ҳам мавсумга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Куз-қиш мавсумини талафотларсиз ўтказиш темир йўл транспорти тизими корхоналари учун катта аҳамиятга эга. Шу боис "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти раҳбариятининг жорий йилнинг "2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумига хўжаликларни тайёрлаш тўғрисида"ги буйруғи эълон қилинган дастлаб ишчи гуруҳи тузилиб, минтақавий темир йўл узеллари тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда мавсумга тайёргарлик кўриш ишлари бошлаб юборилган эди. Бугунги кунда бу ишлар тармоқнинг барча корхоналарида якунига етай деб қолди.



Давоми 2-бетда



Ўтган ҳафта "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ва "Тошкент минтақавий темир йўл узели" унитар корхонаси раҳбарияти томонидан дастлаб "Келес", "Назарбек", "Далагузар", "Ўртаовул", "Раҳимова", "Тўқимачи", "Ҳамза", "Тошкент-юк" стациялари ҳудудларидаги темир йўл участкаларида кузги кўрик ўтказилди.

Кенгайтирилган тарзда бўлиб ўтган ушбу кўрик жараёнида, энг аввало, ҳаракат хавфсизлигини ва меҳнат муҳофазасини таъминлашга тўсиқ бўладиган камчиликларга эътибор қаратилиб, ишчи-ҳодимларга яратилган шарт-шароитлар, кузги-қишги мавсумга кўрилган тайёргарликлар атрофлича кўздан кечирилди. Камчиликлар аниқланган жойда тажрибали мутахассислар иштирокида бартараф қилиш чора-тадбирлари кўрилди. 126-диагностик лаборатория вағони ёрдамида пўлат изларнинг геометрик ҳолати, хусусан, рельслар

оралиги масофаси кенгайганлиги ёки торайганлиги, пўлат изларнинг баланд ва пастлиги ўрганиб чиқилди.

Бундан ташқари, ўтказгичли стрелкалар, алоқа тизимлари, контакт тармоқлари, вагон хўжалиги, станция навбатчиларининг фаолияти кўздан кечирилди. Шунингдек, кўрик давомида станция ва хўжаликлар ходимларининг билим ва тажрибасини янада ошириш мақсадида савол-жавоблар ҳамда суҳбатлар ташкил қилинди.

"Ўзбекистон" – "Гулистон" ҳамда "Гулистон" – "Бекобод" станциялари оралигидаги барча темир йўл станцияларида ҳам кузги кўрик ўтказилди. Кўрик жараёнида ҳар бир станцияда ҳаракат хавфсизлигини ва меҳнат муҳофазасини таъминлашга тўсиқ бўладиган камчиликларга эътибор қаратилиб, ишчи-ҳодимларга яратилган шарт-шароитлар, кузги-қишги мавсумга кўрилган тайёргарликлар атрофлича кўздан кечирилди.

– Бугунги кунда темир йўл корхоналарида, участка линияларида ҳаракат хавфсизлигини ҳамда ишчи-ҳодимларнинг меҳнат фаолиятини тўхтовсиз давом эттиришларини таъминлаш мақсадида куз-қиш мавсумига жиддий тайёргарлик кўрилмоқда, – дейди Жамиятнинг Стратегик ривожлантириш, sanoat фаолиятини ташкил этиш ва меҳнат муҳофазаси бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Байманов. – Ушбу муҳим вазифаларни ўз вақтида амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад, аввало, ноқулай об-ҳаво шароитларида тармоқ тасарруфидаги муассасаларда меҳнат қилаётган темирйўлчилар учун ҳар томонлама қулай иш шароитларини яратиш, иш суръатини бир зум бўлса-да, тўхтаб қолмаслигининг олдини олишидир.

### ТУРИЗМ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

## ЖАМИЯТ РАҲБАРИАТИ ВА САЙЁҲЛИК КОМПАНИЯЛАРИ УЧРАШУВИДА МУАММО ВА ТАКЛИФЛАР ЎРГАНИБ ЧИҚИЛДИ

Бугунги кунда жаҳон туризм бозори ҳажми йилига қарийб 9 триллион долларни ташкил этмоқда. Дунёда иш билан банд аҳолининг ҳар ўнинчиси ушбу соҳада фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда ҳам туризм соҳаси йил сайин ривожланиб бормоқда ва юртимиз иқтисодий тараққиёти ҳамда халқимиз фаровонлигини таъминлаш, жойларда янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этаёпти.

Таҳлилларга кўра, туристлар ҳаво транспортида учиб вақти 5 соатгача бўлган ўлкаларга энг кўп саёҳат қилади. Мамлакатимиз атрофида бундай масофа олтмишга яқин давлат, 3 миллиард аҳоли бор. Йилига уларнинг қарийб 360 миллионни хорижга саёҳат қилади. Бу улкан туризм бозори дегани.

Хорижий давлатлардан юртимизга келаётган сайёҳлар Самарқанд, Бухоро ҳамда Хива шаҳарларига асосан темир йўл орқали боришади. Шу боис мам-



лакатимизда туризм соҳаси тараққиётида темир йўл транспортининг катта ўрни бор. Айниқса, замонавий ва юқори тезликда ҳаракатланадиган "Afrosiyob" поездлари, кўркам вокзаллар ҳамда юқори имкониятга эга сервис хизмат-

лари туризм ривожига муносиб кўприк вазифасини бажармоқда.

Қолаверса, жорий йилнинг сўнгги уч ойи давомида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан темир йўл орқали йўловчиларни

### ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятини реструктуризация ва трансформация қилиш дастури доирасида "Boston Consulting Group" халқаро консалтинг компанияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

## "BOSTON CONSULTING GROUP" КОНСАЛТИНГ КОМПАНИЯСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

Учрашувда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Зуфар Нарзуллаев, Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари Бобур Ходжаев, "UzAssets" директори Бобур Абдуназаров, шунингдек, Жамиятнинг Молия, Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бошқармаси, Трансформация офиси раҳбарлари иштирок этди.



Тадбирда Ўзбекистон темир йўл тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича стратегик масалалар ва режалар муҳомаа қилинди. "Boston Consulting Group" вакиллари консалтинг соҳасидаги ўз тажрибалари билан ўртоқлашди. Бу эса энг самарали ривожланиш стратегияларини аниқлаш ва қайта қуриш дастурини амалга оширишга ёрдам беради.

Учрашув давомида молиявий барқарорликни яхшилаш, бизнес жараёнларини оптималлаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳомаа қилинди. Иштирокчилар темир йўл тармоғини ривожлантириш йўллари, шунингдек, инвестицияларни жалб қилиш ва "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг халқаро даражадаги маъқеини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида фикр алмашди.

"Boston Consulting Group" вакиллари қайта қуриш дастурини амалга оширишда, шунингдек, Ўзбекистон темир йўл тармоғини янада ривожлантиришга қўмаклашувчи илгор амалиёт ва стратегияларни жорий этишда ёрдам ҳамда қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдиришди.

Давоми 2-бетда



# ТЕМИР ЙЎЛ ХУДУДЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИДА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

«Давоми. Бошланиши 1-бетда»

Шу мақсадда айна пайтда тармоқнинг ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида, ўқув муассасаларида, тиббиёт масканларида ёнгин хавфсизлиги таъминлиниб, ёнгин ва шу каби фақуллода ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда иссиқлик мосламаларини ўз вақтида таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Корхона ва ташкилотларда буғ қозонларини жо-

рий таъмирлаш, иссиқлик ва сув тармоқларини таъмирлаш, бино ҳамда иншоотларни жорий таъмирдан чиқариш, томларни назоратдан ўтказиш, деразаларнинг ойналарини кўздан кечириш ва бут ҳолига келтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ишчи гуруҳи томонидан «Жиззах» – «Эржар», «Жиззах» – «Чимкўрғон» ҳамда «Жиззах» – «Ховос» станциялари оралағидаги темир йўл участкаларида ҳам кузги кўрик ўтказилди.



Шундан сўнг темир йўл тармоғидаги энг йирик саралаш станцияларидан бири ҳисобланган «Чуқурсой» станциясида ҳам кузги кўрик давом эттирилди. Станцияда поездлар ҳамда сараланаётган вагонлар ҳаракати га ҳалақит қилмасдан, ҳаракат хавфсизлигини ва меҳнат муҳофазасини таъминлашга тўсиқ бўладиган камчиликларга эътибор қаратилиб, ишчи-ҳодимларга яратилган шарт-шароит-

Рустам ҲАЙДАРОВ

САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН

# ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ МУНОСИБ НИШОНЛАНДИ

«Тошкент минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси мажлислар залида 21 октябрь – Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 34 йиллиги муносабат билан «Ўзбек тили – миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли» шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди.



Унда узел раҳбарияти, мутахассислар, шунингдек, таклиф этилган меҳмонлар ҳамда корхоналарда фаолият кўрсатаётган ишчи-ҳодимлар иштирок этди.

Тадбирда дастлаб «Тошкент минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси бошлигининг биринчи ўринбосари Жаҳонгир Тўйчиев сўзга чиқиб, айна кунларда мамлакатимизнинг барча гушаларида 21 октябрь – Ўзбек тили байрами кунини сифатида катта тантана билан ўтказилаётганлиги туфайли темир йўл корхоналарида ҳам ушбу

тадбир «Ўзбек тили – миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли» номли шиор остида ташкиллаштирилганлиги ҳамда давлат тили, унинг келиб чиқиш тарихи, ҳаёт ва иш фаолияти тизимдаги тугган ўрни ҳақида темирйўлчиларга тушунтириб берилаётганлиги таъкидлади.

Шундан сўнг Тошкент давлат юридик университетининг «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» кафедраси юридик фанлари доктори, профессор Феруза Мухитдинова ўз давлат тилига, тизимли бошқарувга эга

мамлакатлар, уларнинг рибли қаруви раиси маслаҳатчиси Хулкар Ҳотамбоева мамлакатимиздаги турли вазирлик ва ташкилотларда она тилимизга бўлган эътибор ва ҳурмат йил сайин юксалиб бо-



раётганини мамнуният билан тилга олишди.

– Маълумки, 1989 йилдан буён ҳар йили 21 октябрь – «Давлат тили ҳақида»ги қорун қабул қилинган кун сифатида рамзий нишонланар эди, – деди Ҳ.Ҳотамбоева. – Бирок кўпинча, тилшунос-

лар, она тили ва адабиёт ўқитувчилари ҳамда ўқувчилар, шунингдек, талабалар томонидан тор доирада байрам қилинар эди. Президентимиз томонидан 2020 йил 10 апрель кунини «Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунга имзо чекилгач, бу сана умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда. Бундай эътибор

тилимизни эъзозлаш, унинг давлат тили сифатидаги мақоми, жамиятдаги маъқеини юксалтириш, ёш авлодни она тилига ҳурмат руҳида тарбиялаш учун жуда муҳимдир.

Шундан сўнг тадбирда Тошкент сигналлаштириш ва алоқа масофаси ходими Моҳичеҳра Бафоева «Жаҳон ўзбекларига» номли шеърни ижро қилди.

Байрам якунида Темирйўлчилар маданият саройининг «Тараннум» ансамбли ижросидаги ўзбек мумтоз кўшиқлари йиғилганларга хуш кайфият улашди.

Ўз мухбиримиз

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

## «DARYA» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ХАЛҚАРО СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

Тошкент шаҳрида Европа таълим фондининг (ETF) «DARYA» лойиҳаси доирасида «Тегишли малака учун кўникмаларга бўлган талабни ўрганиш» мавзусида халқаро семинар ташкил этилди.

Ушбу семинарнинг иккинчи кунинида республикамизнинг нуфузли профессионал таълим муассасаларидан бири бўлган Тошкент темир йўл техникумига тадбир иштирокчиларнинг ташрифи уюштирилди.



Ташриф давомида семинар иштирокчиларига техникум раҳбарияти, педагоглар ва ўқувчилар ҳамроҳлик қилдилар.

Меҳмонларга техникум тарихи, ўқув жараёни ва уларни қизиқтирган миллий баҳолаш тизими, бундан ташқари, профессионал стандартларни ишлаб чиқишда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар узвийлиги ҳамда ушбу тизимнинг афзалликлари тўғрисида атрафлича маълумот берилди.

## ВОДИЙЛИК ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ҲАМ КУЗГИ ДАРАХТ ЭКИШ МАВСУМИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШМОҚДА

«Кўкюн минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси тасарруфидаги ҳудудларда узел бошлиғи Б.Милладжанов бошчилигида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, мавжуд дарахт ҳамда буталарга шакл бериш, оқлаш, суғориш, янги экиладиган кўчатлар ўраларини тайёрлаш, дарахт кўчатларини ҳамда қаламчаларини экиш бўйича ишлар жадаллик билан давом этмоқда.

## УЗЕЛ БОШЛИҒИ «НАВБАҲОР» ТЕМИР ЙЎЛ СТАНЦИЯСИГА ДАРАХТ КЎЧАТЛАРИ ЭКДИ

«Бухоро минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси раҳбари ҳамда узелнинг Ҳудудий қасаба уюшма қўмитаси раиси «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида темир йўл станцияларида олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари ҳамда ҳудудларни кўкаламзорлаштириш учун етиштирилаётган манзарали дарахтлар ва кўчатларни кўздан кечириш мақсадида Бухоро иҳота дарахтлари ўтказиш ва кўриклаш масофасига борди.

Манзарали дарахтлар ва кўчатларни жойларда ўтказиш бўйича раҳбар томонидан керакли топшириқлар берилди. Шундан сўнг узел раҳбари «Бухоро» локомотив депосига ташриф буюриб, Жамият раисининг топшириғи асосида рақамлаштиришни тезлаштириш бўйича кўрсатмалар берди ва

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳасига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида депо ҳудуди ҳамда «Бухоро – Мискин» темир йўл участкасида жойлашган «Навбаҳор» темир йўл станциясида дарахт кўчатларини экиди.

Узелнинг маъмурий биноси ҳудудида эса дарахт кўчатларини экиш учун узел бош муҳандиси ҳамда бўлим бошлиқлари ҳам бел боғлашди. Эндиликда экилган кўчатларни парваришлаш ишлари, яъни суғориш, тағ қисмини чопиқ қилиш, минерал ва органик озуқалар билан озиклантириш ҳамда зараркунандаларга қарши ишлов бериш ишлари олиб борилади.

## «ҚАРШИ» ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИДА НАЗОРАТ КЎРИГИ ВА ХОДИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ

«Қарши минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси раҳбарияти «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти



бошқаруви раиси томонидан берилган топшириқларнинг ижросини ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Қарши» локомотив депосида назорат кўригини ўтказишди.

Назорат кўриғи давомида депо цехларининг жорий ҳолати, таъмирлаш жараёни билан танишилди.

Куннинг иккинчи ярмида «Қарши» локомотив депосининг маъмурий бино ходимлари билан учрашув ўтказилди. Унда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган трансформация жараёни ҳақида таништириб ўтилди ва ишчи-ҳодимларнинг фикр ва таклифи ҳамда мулоҳазалари тингланди.

## «ТЕРМИЗ» ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИ КУТУБХОНАСИДА АДАБИЙ КЕЧА ЎТКАЗИЛДИ

«Термиз» локомотив депоси кутубхонасида ташкил этилган тадбирда корхона раҳбарияти, тилшунос ўқитувчилар ва узел таркибидаги корхоналар ишчи-ҳодимлари иштирок этишди.

Ўзаро эркин ва очиқ мулоқот тарзида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирда давлат тилининг нуфузини оширишга қаратилган сўнги ўзгаришлар, тил сивасини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар билан бир қаторда ўзбек тилининг бой ва жозибаси ҳақида маълумотлар берилди.

Тадбир якунида фаол иштирок этиб, ўзларининг шевр ва ғазаллари билан иш-

# ЖАМИЯТ РАҲБАРИАТИ ВА САЙЁҲЛИК КОМПАНИЯЛАРИ УЧРАШУВИДА МУАММО ВА ТАКЛИФЛАР ЎРГАНИБ ЧИҚИЛДИ

«Давоми. Бошланиши 1-бетда»

Учрашувда Х.Раҳметов «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга тайёрлигини билдирди. Шунингдек, умумий таклиф ва муаммоларни муҳокама қилиш учун мунтазам йиғилишлар ўтказишни таклиф қилди. Ўз навбатида, туроператорлар хизматлар кўрсатишда дуч келаётган муаммоларини билдирдилар.



Айтиб ўтилган асосий масалалардан бири поезд чипталари тақчиллиги қарши курашиш мақсадида яқинда жорий этилган «1 та паспорт – 1 чипта» тизимидир. Энди бошқа миқозлар шахсий сабабларга кўра саёҳатни бекор қилсалар, туроператорлар бошқа йўловчилар учун чипталарни қайта расмийлаштира олмайдилар. Илгари туроператорлар битта паспорт учун сотиб олинган барча чипталарни сайёҳларнинг якуний рўйхатига мувофиқ қайта расмийлаштириши мумкин эди. Бирок янги қоидалар бунга йўл қўймайдилар.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, чипталарни сотишнинг белгиланган қоидаларига кўра, фақат алоҳида ҳолларда чиптани бошқа шахсга қайта расмийлаштириш мумкин, лекин гуруҳлар учун эмас.

Тадбирда эрта бронь қилиш муаммоси ҳам муҳокама қилинди. Кўпгина сайёҳлар ўз саёҳатларини чипталар сотувга чиқарилишидан анча олдин режалаштиришади (биласизларки, чипталар жўнаш кунидан 45 кун олдин сотилади), бу эса туроператорлар учун қийинчиликлар туғдиради.

– Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда темир йўл соҳаси асосий ўринлардан бири саналади, – деди Х.Раҳметов. – Шу боис давлатимиз раҳбари топшириғига кўра, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ва мутахассисларимиз томонидан маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун темир йўлда зарур бўлган барча шароитлар яратиб берилмоқда. Шунингдек, сайёҳлик компаниялари вакилларисиз ҳам бу соҳани юртимизда ривожлантириш қийин. Шу боис темир йўл раҳбарияти сиз каби сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорлик алоқаларини йил сайин ривожлантириб боришдан манфаатдор. Таклиф ва режаларингиз биз учун жуда муҳим ва уларни ўрганиб чиқишга тайёримиз.

Учрашувда туризмни ривожлантиришда муҳим ўрин тутадиган темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш масалалари муҳокамаси ҳам асосий мавзулардан бири бўлди. Х.Раҳметов «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти раҳбарияти темир йўл тармоғини модернизация қилиш ва кенгайтириш, шунингдек, қатнов сифати ва қулайлигини ошириш мақсадида янги поездларни харид қилиш бўйича ҳам келгуши режаларни айтиб ўтди.

Жамият раҳбарияти ва туроператорларнинг биргаликдаги саёҳат-ҳаракатлари кўпроқ сайёҳларни жалб қилишга ва Ўзбекистоннинг жозибадор сайёҳлик йўналишини илгари суришга ёрдам беради.

Рустам ҲАЙДАРОВ, Зарина ДУСТОВА

тирок этган бир гуруҳ темирйўлчилар ҳамда таклиф этилган устозлар эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

## «ЯШИЛ МАКОН» УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА 79 ТА АРЧА КЎЧАТИ ЭКИЛДИ

«Ўзбекистон» локомотив депосида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида корхона бошлиғи Ф.Махаматов бошчилигида локомотив депо ҳудуди ва филиалларида арча дарахтларини экиш ишлари амалга оширилди.



Лойиҳанинг 1-босқичида депо ва филиалларида умумий ҳисобда 79 та арча дарахти ва 24 та можжевельник кўчати экилди.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳасига корхонанинг барча ишчи-ҳодимлари сидқидилдан ёндашиб, ўзларининг ҳиссаларини қўшиб.



ОЧЕРК

ИЗНАЧАЛЬНО ПРЕДАНА ЖЕЛЕЗНОЙ ДОРОГЕ

Быть руководителем – дело не простое, и далеко не всем дано нести эту миссию с достоинством. А тот факт, когда руководящую должность занимает женщина и при этом достаточно успешно управляется со своими обязанностями на протяжении многих лет, заслуживает особого уважения.

Умсун Мирзаевна Ирисметова на железной дороге работает 37 лет, 30 из них руководящие должности. Это говорит, в первую очередь, – о её профессионализме и дисциплинированности. За это время, будучи инициативным руководителем, высококвалифицированным, грамотным и компетентным специалистом в области финансов и бухгалтерского учёта, она завоевала достаточно высокое уважение и признание. Смело можно подчеркнуть, что она относится к той категории железнодорожников, которую очень уважают на всех уровнях железнодорожной администрации Узбекистана. Её авторитет непоколебим, в том числе и среди коллег железнодорожных администраций других стран. На протяжении многих лет она участвовала практически всех мероприятиях, встречах, конференциях и обсуждениях международного уровня от имени железнодорожной администрации Узбекистана. Подтверждением её профессионализма является достойное звание “Почётный железнодорожник”, которое она с гордостью носит уже много лет.

Интересна история ее прихода на дорогу. Железнодорожников в её семье не было. После окончания школы, подруга попросила составить компанию на поступление в Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта, на экономический факультет. Она согласилась. Юная Умсун успешно сдала экзамены и поступила, а её подруга – нет. Таким образом, сама о том не мечтая, героиня нашего очерка, не только стала железнодорожником, но и дала старт династии достойной профессии. По её стопам пошли младшие сестры. Глава семьи также в железной дороге. Для двух дочерей и сыновей – эталон подражания во всех отношениях. Не случайно, что они освоили железнодорожные специальности и трудятся в акционерном обществе.

Несомненно, профессионалы её уровня ценятся высоко. Периодически её, образно выражаясь, “переманивают” на работу в другие министерства, ведомства, однако, Ирисметова изначально предана железной дороге.

Хочу подчеркнуть её грамотность и профессионализм, – рассказывает Ф. Галимова коллега, много лет проработавшая с нею в Центре «O‘ztemiryo‘hisob». – Под её чутким контролем всегда осуществлялись



все виды расчётов за железнодорожные услуги в межгосударственном сообщении Узбекистана со странами СНГ. Кроме того, к её профессиональному мнению прислушиваются в мобилизации доходов для финансирования реализуемых в сфере крупных проектов, которые играют важную роль в развитии экономики нашей страны. Помимо этого, Умсун Мирзаевна, многие годы была членом Координационной постоянно действующей комиссии по совершенствованию нормативно-правовой базы организации расчетов в международном железнодорожном сообщении. За активное участие и внесение вклада в совершенствование нормативных документов награждена почетными грамотами Совета по железнодорожному транспорту, Организации сотрудничества железных дорог членов ОСЖД.

Также была членом Наблюдательных Советов акционерных обществ АО «Йулрефтранс», АО «Желдорпастранс», АО «Узтемирийконтейнер», членом ревизионной комиссии АО «Узбекистон темир йуллари».

Учитывая ее накопленный богатый опыт и знания, в 2018 году ей предложили координировать разработку национальной электронной системы взаимодействия с клиентами по оказанию услуг в сфере грузовых перевозок по принципу «Единое окно». И снова открылась новая веха в ее трудовой биографии. Сегодня она работает начальником отдела реализации и координации цифровых проектов Группы по разработке и внедрению информационных программ АО «Узбекистон темир йуллари» (ГИТ). Вплотную работая с программистами, Ирисметова их направляет, даёт свои предложения, и вместе обсуждают технические и процедурные процессы. В таком тандеме и работают.

“Основная цель электронной системы Е-окно – уменьшить присутствие человека и автоматизировать поэтапно весь процесс работы как с документами, так и с грузом, цикл погрузки, выгрузки. Данная интерактивная информационная система позволит отправителям и получателю отслеживать онлайн весь

путь перевозки груза от начала пути до конца следования, одновременно представляет собой прозрачность и призвана искоренить коррупцию в сфере.”

Перед ней сегодня много задач. “Первая – работа над интеграцией автоматической электронной системы АС-МЕСПЛАН с нашей электронной системой Е-окно. Информация об электронных заявках клиентов автоматически должны поступать в АС “Месплан”, для согласования с железнодорожными администрациями, участвующих в перевозках. Например, клиент отправляет груз из Узбекистана в Данию. Мы должны согласовать весь маршрут до конечной точки грузополучателя с железнодорожными администрациями Республики Казахстан, Российской Федерации, Республики Беларусь, Польшей и так по всему маршруту.

Вторая задача: работа над отчетами технологических центров по обработке Центра “Узжелдоррасчет” – это финансовые отчеты, в первую очередь, предоставляемые клиентам-пользователям услуг дороги.”

Она находится на связи в группе ТГ по работе с клиентами Mijozlar uchun e-naki.railway.uz. Совместно с Н.Г.Ахмедовым-ведущим специалистом группы “Реализации прикладных программ и IT-технологий” отвечают на вопросы 724 подписчиков. Также открыта отдельная группа по работе со станциями дороги. Здесь 1182 участников, также постоянно держат руку на пульсе и отвечают на поступившие вопросы.

Следующая важная задача – совершенствование оформления международных накладных. На между электронным накладным приходят автоматизированные, это значит, что автоматизация процесса оформления перевозочных документов автоматизирует оформление грузов и обмен электронными транспортными накладными, заявками, вагонными листами, сопроводительными документами без риска потери и ошибок.

При всём этом Ирисметову с радостью ждут на факультете повышения квалификации, где с большим

интересом слушают её лекции на занятиях по повышению квалификации соответствующих специалистов по коммерческой и финансовой грузовой документации.

Что касается коллектива, в котором она работает, то примечательно, что её воспринимают как движущую и стимулирующую силу. Высокая организованность, пунктуальность, чёткость и своевременное исполнение возложенных задач – всё это характеристика личного начала Умсун Мирзаевны. Своим личным примером она вдохновляет окружающих к стремлению совершенствоваться, неустанно работая над собой, быть предельно требовательным к выполнению своих обязательств в работе. Трудовая дисциплина это, пожалуй, один из столпов успеха героини нашего очерка и повышенное требование к ней У.М.Ирисметова всегда ставит во главу угла. «Она очень требовательный начальник, но вместе с тем в её лице всегда можно найти понимание, – делится коллега, А.Айтмуратов, – ведущий IT-специалист-программист отдела ГИТ. В коллективе знают, что при всей строгости и требовательности в отношении к работе, она готова выслушать и поддержать каждого сотрудника, содействовать в необходимой помощи или социальной защите». Пожалуй, так и должно быть, хороший руководитель – понимающий в различных сложных ситуациях, но в то же время держащий дисциплину человек. Только такого руководителя коллектив будет уважать всегда, а значит, и работа будет спориться.

При всепоглощающей работе и активном трудовом режиме несомненно возникает вопрос, остаётся ли время на свою семью и близких?! Умсун Мирзаевна отвечает, что старается максимально успевать во многом.

«В лице мужа и детей я нахожу понимание, поддержку и осознание того, какая ответственная у меня работа – делится У.Ирисметова. – В своё время, когда я только начала работу на железной дороге и была дежурной по станции, работа соответственно сменная, а на руках были маленькие дети – было очень сложно, но семья меня всегда поддерживала и это было очень важно для меня!»

Сегодня она счастливая бабушка пяти внуков.

– Мама перед нами поставила планку, которую мы должны преодолеть. И мы, стремимся, как мама, всегда ставить цели и достигать их, – рассказывает старшая дочь Дилноза Саидназирханова.

Особо приятно, что есть такие личности среди нас, глядя на которых, у одних появляется стремление к профессиональному росту, а у других восхищение, не только как руководителем, профессионалом своего дела, но и красивой женщиной.

Умида УМАРХОДЖАЕВА

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

ОНА ТИЛИМИЗ – МИЛЛАТ РУҲИДИР!

Тил – давлат тимсоли, мулки, руҳи, миллатнинг маънавий бойлиги, халқнинг маданияти, урф-одати, унинг турмуш тарзи, тарихидир. Тил бор экан миллат барҳаёт. Зеро тил мўътабар зот – онага қиёсланиш беҳиз эмас, инсон ўз онасини кўрмасдан, унинг соф мухаббатини, меҳрини тўймасдан яшай олмайди.

Миллатларни миллатлардан ажратиб турувчи асосий белгилардан бири ҳам тилдир. Дунёда ҳар бир халқнинг ўз тили унинг бебаҳо бойлиги, ифтихори, нажоти ҳисобланади. Ҳикматли сўзлар, шеър-у достонлар, қўшиқлар, аввало, бирор-бир миллатнинг она тилида дунёга келади. Миллат бор экан, унинг тили ҳам яшайди, тили яшар экан у миллат бошқа миллатлар орасида ўз нуфузи, обрўсига эга бўлади. Ҳар бир халққа ўз тили азиз ва ардоқлидир.

1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилди. Бу қонун халқимизнинг мустақиллик учун дастлабки қадами бўлди.

Ушбу қонуннинг 1-моддаси ва Бош Қомусимизнинг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили” эканлиги ва Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истикомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари,

урф-одатлари ва аънаналари ҳурмат қилиниши таъминлаши ҳам белгилаб қўйилган.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимизнинг миллий мустақилликка эришиши йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлиб, она тилимизнинг бор бўлишига ва жозибасини тўла намоеён этиш билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди.

21 октябрь – республикаимизда байрам сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги 307-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ҳам қатор тадбирлар ўтказилди. Мактабнинг она тили ва адабиёти ҳамда ўзбек тили ўқитувчилари З.Ҳақимова, Г.Коратоева, С.Эшмонова, Д.Тургуновалар томонидан ўтилган ноанъанавий дарслар ўқувчиларнинг ўзбек тилини янада ардоқлашларига замин яратди.

Айниқса, мактабнинг ўзбек тили фани ўқитувчиси М.Самиджонованинг 10-“В” ва 7-“В” синф ўқувчилари билан “Она тили – миллат руҳи” мавзусида ўтказилган очик тарбиявий соати барчада катта таассурот қолдирди. Таълим рус тилида олиб борилишига қарамай, ўқувчилар ўзбек тилида шеърларни, ғазал ва мақолларни ифодали ўқидилар. Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Бобур тимсолларини маҳорат

билан ижро этдилар. Ўқувчилар томонидан ўзбек тилининг ҳуқуқий мақоми белгилашда энгил ўтилган қийинчиликлардан тортиб ҳозирги кунда тилимизнинг бой имкониятларидан кенг фойдаланиш учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда давлат тилини янги поғонага олиб чиқиш борасида қилинаётган сайъ-ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар санаб ўтилди.

10-“В” синф ўқувчилари Назира Ҳамроева, Бехруз Самадуллаев, Абдулазимий Тоҳир, Руҳшона Орибжоновна, Паризода Тоҳирова, Самира Есемуратовалар томонидан ижро этилган саҳна кўринишлари барчада катта қизиқиш уйғотди.

Бундай тадбирларнинг ўтказилиши таълим рус тилида олиб борилганда ҳам ўзбек тилига нисбатан ҳурмат, ўзбекона урф-одатларни қадрлаш туйғуларини тарбиялайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, тилимизни эъзозлаш, унинг давлат тили сифатидаги мақоми, жамиятдаги мақоми юксалтириш, ёш авлодни она тилига ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамиша долзарб маънавий бурчимиз бўлиб қолади.

**Мўяссар САМИДЖОНОВА, Яшнобод тумани 307-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг олий тоифали ўзбек тили фани ўқитувчиси**

БИЛИБ ҚҲЙГАН ЯХШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 октябрь куни “Метрополитенда йўловчилар ҳамда бошқа шахсларнинг бўлиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 535-сонли қарори қабул қилинди.

МЕТРОДА НИМАЛАР ТАҚИҚЛАНГАН? ЙЎЛОВЧИЛАР МЕТРОПОЛИТЕНДАН ФОЙДАЛАНИШДА ҚАНДАЙ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА?

Унга кўра, Метрополитенда йўловчининг бўлиши ва унинг юкини ташини шартномаси тузилганлиги йўл чиптаси орқали ёки имтиёзга ҳамда бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг тегишли ҳужжатини кўрсатиши билан тасдиқланади.

Йўловчилар ва бошқа шахслар ички ишлар органлари ходимларининг қонуний талабига асосан уларнинг кўздан кечириш учун тақдим этилади.

Бунда қидирувдаги шахслар деб гўмон қилинган ёки кўздан кечириш жараёнида ўзини шубҳали тутаятган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда шахсий кўздан кечирилиши мумкин.

Йўловчилар ва бошқа шахслар ички ишлар органлари ходимларининг қонуний талабига асосан кўздан кечиришдан ўтишни рад этган тақдирда, метрополитенга киритилмайди.

Метрополитен инфратузилмаси объектлари ва хавфсизлик ҳудудларида куйидагилар тақиқланади:

- ёнувчан, портловчи моддалардан ва босим остида ишловчи қурилмалардан фойдаланишни талаб этадиган барча фаолият турлари билан шугулланиш ва шу билан боғлиқ кўнгилочар шохобчаларни қуриш ҳамда ташкил этиш;
- метрополитен инфратузилмаси объектлари ва хавфсизлик ҳудудларида куйидагилар тақиқланади:
- спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини истеъмол қилиш ёки маст ҳолда кириш;
- қидириладиган тамаки, электрон сигареталар ва носвой чекиш;
- метрополитен ҳудудида оёқ кийимсиз ва кийимсиз ҳолда бўлиш;
- бекатга йўловчиларнинг кийими, метрополитен вагонлари, иншоотлари ва қурилмаларини кир қилиши мумкин бўлган юклар ва буюмлар, шунингдек, велосипед (ийгиладигандан ташқари), мопед, скутер ва бошқа ҳаракатланувчи воситалари билан кириш;
- бекат ҳудудида, вагонларда акробатик ва спорт машқларини бажариш, ҳар хил турдаги спорт тўрларини уйнаш.

Йўловчилар метрополитендан фойдаланишда куйидаги ҳуқуқларга эга, жумладан:

- ўзлари билан биргаликда 7 ёшга бўлган болаларини, болалар ва ногиронлиги бўлган шахслар аравачаларини, болалар велосипедларини, мусиқа асбобларини, шунингдек, гилофга солинган ҳолда санчилувчи, кесувчи ва осон синувчи буюмлар, чана, чанги ва балиқ ови учун қармоқларни бепул олиб юриш;
- ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган шахслар томонидан метрополитеннинг техник воситаларидан (лифтлар, ногиронлиги бўлган шахслар аравачасини кўтарувчи/туширувчи мосламалар ва бошқа жиҳозлар) фойдаланиш, заруратга кўра тегишли ходимлардан ёрдам олиш;
- бекатларни хаваскорлик фото ва видеотасвирга олиш;
- ўлчамларига кўра учта ўлчови йигиндиси бўйича 200 сантиметр: эни – 60 сантиметр, узунлиги – 70 сантиметр, баландлиги – 70 сантиметр бўлган юкларни бепул олиб юриш.

**Б.МИРЗАЕВ, Департамент Тергов бошқармаси катта терговчиси, майор**



ДВ И SIEMENS ПРЕДСТАВИЛИ НОВЫЙ ДИЗАЙН ИНТЕРЬЕРОВ ПОЕЗДА ICE 3NEO

Железные дороги Германии (DB) и компания Siemens Mobility пустили в регулярную эксплуатацию высокоскоростной электропоезд ICE 3Neo с обновленным дизайном интерьеров. Это уже 17 й переданный DB поезд ICE 3Neo, но первый со значительной переработанными элементами салона.



В частности, в салонах поезда установлены регулируемые кресла новой конструкции с улучшенной поддержкой спины, высококачественными обивочными материалами (85 % шерсти) и декоративными элементами из дерева. В салонах первого класса обивка выполнена в теплых серых тонах, в салонах второго класса – в синих, а в вагоне-ресторане использован бургундский красный цвет

В спинки кресел интегрированы держатели для планшетов и крючки для одежды. Обновленный дизайн интерьеров высокоскоростных поездов увязан с оформлением новых центров обслуживания пассажиров и бизнес-залов DB. Всего у компании Siemens заказаны 90 поездов ICE 3Neo, которые планируют ввести в эксплуатацию до 2028 г. Эти поезда рассчитаны на движение со скоростью до 300 км/ч.

Такой же дизайн интерьеров предусмотрен в новых поездах локомотивной тяги ICE L, заказанных у компании Talgo. Первый из них будет передан DB в конце 2024 г

По материалам интернета





## SPORT

O'zbekistonlik professional bokschi Bahodir Jalolov Parij-2024 Olimpiadasida g'olib bo'lsa, bor e'tiborini profboksqa qaratadi. Bu haqda sportchi QALAMPIR.UZga bergan intervyusida aytib o'tdi.

## BAHODIR JALOLOV QACHON HAVASKOR BOKSDAN KETISHINI AYTDI



"To'g'ri, muxlislarimiz bizni profboksda ham jahon chempioni bo'lishimizni xohlaydi, lekin hamma narsaning o'z vaqti bor. Men ikki karra Olimpiada g'olibi bo'lishni niyat qilganman. Hozir ham havaskor, ham profboksda faoliyat yuritayman. Ikkala tomonni ham bir xilda olib borish juda qiyin, chunki havaskorda 3 raundda jangni hal qilish kerak, professionalda esa 8,10 va 12 raundga kuchni taqsimlay olish lozim. Og'ir vaznda ikki karra Olimpiada chempioni bo'lgan sportchi tarixda yo'q. Parij-2024 Olimpiadasidan keyin havaskor boksni to'liq tark etaman", deydi Jalolov.

Ta'kidlash joiz, Bahodir Jalolov Xanchjouda o'tkazilgan Osiyo o'yinlarida oltin medalni qo'lga kiritib, havaskor boksda titullari sonini to'liq ko'rinishga keltirgandi.

Amerika Qo'shma Shtatlari, Meksika va Kanada mezbonligida o'tadigan futbol bo'yicha 2026-yilgi Jahon chempionatining saralash bosqichi - Osiyo qit'asi miqyosidagi bahslarning 2-raundiga start berilmoqda.

## JCH-2026 SARALASH:

### O'ZBEKISTON TERMASI 2-BOSQICHDA QAYSI JAMOALARGA QARSHI O'YNASHI MA'LUM BO'LDI

GROUP A	GROUP B	GROUP C
A1 QATAR	B1 JAPAN	C1 KOREA REPUBLIC
A2 INDIA	B2 SYRIA	C2 CHINA PR
A3 KUWAIT	B3 DPR KOREA	C3 THAILAND
A4 AFGHANISTAN	B4 MYANMAR	C4 SINGAPORE
GROUP D	GROUP E	GROUP F
D1 OMAN	E1 IR IRAN	F1 IRAQ
D2 KYRGVZ REPUBLIC	E2 UZBEKISTAN	F2 VIETNAM
D3 MALAYSIA	E3 TURKMENISTAN	F3 PHILIPPINES
D4 CHINESE TAIPEI	E4 HONG KONG, CHINA	F4 INDONESIA
GROUP G	GROUP H	GROUP I
G1 SAUDI ARABIA	H1 UAE	I1 AUSTRALIA
G2 JORDAN	H2 SAUDI ARABIA	I2 PALESTINE
G3 TAJIKISTAN	H3 YEMEN	I3 LEBANON
G4 PAKISTAN	H4 NEPAL	I4 BANGLADESH

Mazkur bosqich boshlanishidan oldin barcha jamoalar guruhidagi raqiblarini bilib oldi. Unga ko'ra, O'zbekiston milliy terma jamoasi "E" guruhidan joy oldi va Eron, Gonkong hamda Turkmaniston jamoalari bilan kuch sinashadigan bo'ldi.

Qolgan barcha guruhlar ketma-ketligi yuqoridagi rasmda tasvirlangan.

Bosniya va Gersegovina terma jamoasi bilan 2024-yilgi Yevropa chempionati saralash o'yinida portugaliyalik hujumchi Krishtianu Ronalduga smartfon ko'targan muxlis hujum qildi.

## RONALDU YEVRO-2024 SARALASHIDA HUJUMGA UCHRADI

"J" guruhidan o'r in olgan uchrashuv 16-oktyabr kuni Bosniyaning Zenitsa shahrida bo'lib o'tdi va 5:0 hisobida portugaliyaliklar foydasiga hal bo'ldi. Birinchi bo'lim oxirida muxlislardan biri smartfon bilan maydonga yugurib chiqib, Ronalduni ushlab oldi, biroq stuyardlar tezda muxlisni portugaliyalik futbolchidan uzoqlashtirdi, biroq aynan shu vaziyatda kimdir Ronalduning oyog'ini bosib oldi. Futbolchi esa o'zini noqulay his qildi, ammo o'yinni davom ettirdi.

Bosniya ustidan qozonilgan g'alabadan so'ng, Portugaliya terma jamoasi muddatidan avval Yevropa chempionatining final bosqichiga yo'llanma oldi.

Hozirgacha Ronaldu vatandoshlaridan tashqari, Belgiya, Fransiya, Ispaniya, Shotlandiya, Turkiya va Avstriya terma jamoalari Yevro-2024 yo'llanmasini naqd qilgan.



## MUASSISLAR:

"O'zbekiston temir yo'llari" aksiyadorlik jamiyati, O'zbekiston temiryo'lichilari va transport qurovchilari kasaba uyushmasi Respublika Kengashi

## Tahrir kengashi:

Ramatov A.J.  
Narzullayev Z.G.  
Sabirov Q.S.  
Yusupov J.Z.  
Baltabayev A.A.

Bosh muharrir  
Rustam HAYDAROV

Musahhih –  
Umida TO'YCHIBOYEVA

Sahifalovchi –  
Gulzoda BOLTAYEVA

Fotomuxbir – Yoqubjon MUROTOV

Manzili: 100047, Toshkent sh., Amir Temur shohko'chasi, 4-uy.

Bosh muharrir: (71) 236-48-54

Qabulxona: (71) 236-48-92

Muxbirlar: (71) 236-48-71

Faks: (71) 236-48-53

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0139-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida sahifalandi

ISSN: 2181-6158

Buyurtma G-1033 Bosishga topshirildi: 19:30

1 2 3 4 5 6

"Sharq" nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida A-2 hajmda chop etildi. Hajmi 2 bosma taboq. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Adadi: 3000

## TANLOV

# "TEMIR YO'L MALIKASI-2023" TANLOVNING YAKUNIY BOSQICHIDA G'OLIBLAR ANIQLANDI

"O'zbekiston temir yo'llari" aksiyadorlik jamiyati tasarrufidagi korxonalar, tashkilot va muassasalar o'rtasida o'tkazilgan "Temir yo'l malikasi-2023" tanlovining yakuniy bosqichi o'tkazildi.



Unda ishtirok etgan 7 nafar temiryo'lichi xotin-qizlar 4 ta shart bo'yicha belashdilar.

Tanlov yakuniy natijalariga ko'ra 1-o'rinni "Toshkent mintaqaviy temir yo'l uzeli" unitar korxonasining Toshkent aloqa va signallashtirish masofasi elektromexanigi Akmaral Andakulova qo'lga kiritib, faxriy yorliq va pul mukofoti bilan taqdirlandi. 2-o'rinni "Buxoro

mintaqaviy temir yo'l uzeli" unitar korxonasining Buxoro temir yo'l masofasi yo'l dispetcheri Marjona Yusupova, 3-o'rinni esa "Qarshi mintaqaviy temir yo'l uzeli" unitar korxonasi tasarrufidagi Qarshi aloqa va ishorat masofasi elektromexanigi Gulmira Baratova qo'lga kiritdi.

Qolgan ishtirokchilar ham faxriy yorliq va pul mukofoti bilan taqdirlandi.

## O'ZBEKISTON QIZIL YARIM OY JAMIYATI FAOLIYATIDAN

# BUXOROGA SAYOHAT TASHKIL ETILDI

O'zbekiston Qizil yarim oy jamiyati temir yo'l mintaqaviy tashkiloti tomonidan bir guruh temiryo'lichilarning Buxoro shahriga sayohati tashkil etildi.

Temiryo'lichilarni qo'llab-quvvatlash bilan bir qatorda ichki turizmni rivojlantirish maqsadida yurtimizning qadimiy shaharlaridan biri bo'lgan Buxoro shahriga tashkil etilgan mazkur sayohatda 47 nafar ishchi-xodimlar va ularning oila a'zolari ishtirok etishdi.

Sayohat dasturiga muvofiq turizm ishtirokchilari uchun barcha shart-sharoitlar yaratib berildi va ular muqaddas qadamlar to'g'risida zarur ma'lumotlarga ega bo'lishdi.



Sayohat davomida "Ark" qo'rg'oni, "Poyi Kalon" majmuasi, "Toq zargaron" va "Toqi telpakfurushon" savdo markazlari, Ulug'bek va Abdulazizxon madrasalari, Abdullaxon hunarmandlar rastasi,

"Labi hovuz" ansambli, "Sitorai Mohi Xosa" saroyi va "Minorai kalon", "Buxoro zindoni" va shunga o'xshash ko'plab tarixiy qadamlar, Bahovuddin Naqashband ziyoratgohlariga tashrif buyurib, sayohatdan bir o'lam taassurotlar olishdi.

Temiryo'lichilar sayohatdan madaniy hordiq chiqarib, o'lam-olam zavq-shavq bilan qaytishdi. Bu kabi tashkil etilayotgan tadbirlar ishchi-xodimlarning qalbidagi ajdodlar merosiga hurmat ruhini shakllantirishga, ajdodlarimiz bilan faxrlanish va ularga mos avlod bo'lish tuyg'ularini yanada mujassamlashtirishi shubhasiz.

Umrboqiy Buxoroni tomosha qilib, huddi yosharib ketganday bo'lyapman, - deydi Toshkent markaziy aloqa va signallashtirish masofasi aloqa elektromexanigi Muhayyo Azlarova. - Bu ajoyib manzaralar, o'tmish va bugunning yaxlit bir uyg'unligi kishini beixtiyor hayratda qoldirdi. Yurtimiz boy meros va ulkan tarixga ega ekanligidan to'liqlanib, qalbm g'ururga to'lib, shodlanib ketyapman. Chunki men Buxoroga ilk bor kelishim.

Ikki kunlik safardan so'ng sayohatchilar kechga yaqin "Sharq" poyezdida poytaxtga qaytdilar.



"Sharq" nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida A-2 hajmda chop etildi. Hajmi 2 bosma taboq. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Adadi: 3000